

ЗАМОНАВИЙ ДАКТИЛОСКОПИК ЭКСПЕРТИЗАНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ДАКТИЛОСКОПИК ЭКСПЕРТИЗА ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ибраимов Тимур Оразбаевич

*Ўзбекистон республикаси ички ишлар вазирлиги академияси
“криминалистик экспертизалар кафедраси” «эксперт-
криминалистик фаолияти» 322-гуруҳ курсанти*

Annotation: *The dissertation describes in detail the general theoretical rules of daktiloskopical examinations and the modern possibilities of research based on them. In addition, the statistical data of the expertise and research conducted in practice were analyzed and suggestions and recommendations were made on the identified problems.*

Keywords: *daktiloskopy, research, fingerprints, general sign, special sign. Identification*

Замонавий дактилоскопик экспертизанинг муаммолари.

Жиноят-процессуал қонуни эксперт хулосасининг мазмунини фақат умумий кўринишда тартибга солади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 184-моддасига мувофиқ, хулосада қуйидагилар кўрсатилиш ишарт:

- *экспертиза ўтказилган сана ва жой;*
- *экспертзани ўтказиш асоси;*
- *экспертзани тайинлаган орган (шахс) тўғрисида маълумотлар;*
 - *эксперт (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажы, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва экспертизани ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар;*
 - *экспертнинг билатуриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги;*
 - *экспертнинг олдида қўйилган саволлар; экспертга тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари;*
 - *экспертиза ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар;*
 - *қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда эксперт текширувларининг мазмуни ва натижалари, шунингдек, бу эксперт текширувларида агар экспертлар комиссияси ишлаган бўлса кимтомонидан ўтказилганлиги;*

- эксперт текшируви натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар;

- иш учун аҳамиятга молик бўлган ва экспертнинг ташаб-бусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Амалиётда эксперт хулосасининг янада батафсил реквизитлари кўрсатилган ва унинг таркибий тузилиши белгиланган бўлиб, бу турли хил идоравий қоидалар ва йўриқномаларда ўз аксини топган.

Уларда эксперт муассасаларининг фаолияти тартибга солинади, шу нингдек, эксперт хулосасининг бланка (намуна)лари ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ эксперт-криминалистик бўлинмаларида тайёрланадиган эксперт хулосаларининг таркибий тузилиши анъанавий тарзда уч қисмга бўлинади: кириш қисми, тадқиқот, хулосалар.

Ички ишлар органларида марказлашган тезкор-маълумот, қидирув ва криминалистик ҳисоблар билан бир қаторда марказлашган ва ҳудудий эксперт-криминалистик излар картотекаси ҳамда ахборот-маълумот коллекцияси юритилишида ҳозирги кунда бир қанча муаммолар кузатилмоқда. (ИИВ ЭКМ, ИИББ, ИИБ ва ТИИБ ЭКБ). ИИВ ЭКМ ва ЭКБнинг коллекцияси ва картотекаси, энгаввало, жиноятларни аниқлаш, очиш ва тергов қилишга мўлжалланган.

Жиноятчиликка қарши кураш натижалари ушбу ишнинг сифати ва даражаси билан белгиланади. Шунинг учун у замонавий, ҳартомонламатўлиқ, шубҳасиз, аниқ маълумотларга асосланган бўлиши керак.

Эксперт-криминалистик ҳисоб, жумладан дактилоскопик тадқиқот объектлари, криминалистик қайд қилиш тури сифатида кўрилади ва мақсади нафақат тезкор-қидирув ва тергов бўлинмаларига ахборотларни тақдим этиш, ахборотлар ҳисобини тўғри, тизимлаштирилган ҳолда юритиш ҳамдир. Бу маълумотларни таҳлил қилишни таъминлаш имконини беради, унинг натижалари эса жиноятларни самарали, ижобий очиш ва тергов қилишда ёрдам беради.

Ушбу фаолият тегишли ҳукумат қонунлар ва идоравий қонуности актлари, хусусан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги буйруқлари билан қатъий белгилаб қўйилган.

Дактилоскопик тадқиқотлар объектларининг эксперт-криминалистик ҳисоби ички ишлар органларининг эксперт-криминалистик бўлинмаларида очилмаган жиноят жойларидан олинган излар ва ашёвий далиллар, шунингдек, криминалистик маълумотга эга бўлган бошқа манбалардан тўлиқроқ, кенгроқ фойдаланиш учун хизмат қилади.

Дактилоскопик тадқиқотлар объектлари излар картотекаси ва коллекциясининг ахборот асоси бўлиб, очилмаган жиноят жойларидан олинган излар, уларни йиғиш, жамлаш ва бир хил ҳамда ўхшаш белгилари

(бузиш қуролларининг излари, оёқ кийими излари ва автомобиль воситаларининг шина қопламалари ва ҳ.к.) бўйичатизимлаштириш ёкижиноятчилартомониданбузиш қуроли (мосламалар, қурилмалар, асбоб-ускуналар тўплами) сифатида қўлланилган воситалар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, видео-ёзув аппаратуралари ва маълумотларни ёруғликка асосланган қайд қилишнинг рақамли тизимлари ёрдамида олинган муҳим криминалистик аҳамиятга эга бўлган тасвирлар ҳисобланади.

Шундай қилиб, дактилоскопик тадқиқотлар объектлари излар картотекаси ва коллекциясини ташкил қилиш ва юритиш деганда, эксперт-криминалистик бўлинмаларнинг ходимлари томонидан объектлар (бузиш қуролларининг излари, оёқ кийими излари ва автомобиль воситаларининг шина қопламалари ва ҳ.к.) ёкиобъектларнингўзи (бузиш қуролисифатида қўлланилганмосламалар, қурилмалар, асбоб-ускуналартўплами) ҳақидаги маълумотларни, жиноятларни тергов қилиш ва очиш самарадорлигини ошириш ҳамда объектларни идентификация қилиш жараёнини таъминлаш мақсадида видео ва рақамли аппаратуралар билан қайд қилиш ёрдамида олинган объектлар тасвирини йиғиш, қайд қилиш ва тизимлаштириш тушунилади.

Ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири ушбу ҳисобларни тўлиқ юритилинмаслиги бўлиб турибди. Бундан ташқари ҳодиса содир бўлган жойда микрообъектларни аниқлаш ва олиш ҳам экспертларимизга муаммо туғдираётганлиги рост гап.

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига илмий-амалий шарҳлар. -Т., Адолат, 1997. - 384 б.
2. Белкин Р.С. Курс криминалистики. - М., 1988, т. 2. - 302 б.
3. Данисявичус А. Криминалистическое следствие. - Вильнюс, 1983. -282б.
4. Грановский Г.Л. Основы трасологии (Общая часть).-М., 1975. -
5. Грановский Г.Л. Основы трасологии (Особенная часть). - М., 1974. - 240 б.
6. Грановский Г.Л. Криминалистическое исследование следов ног. - Киев, 1970. -
7. Суд экспертизаси бўйича қўлланма. - Т., 1995. - 205 б.
8. Анциферов В.К. Дактилоскопическая экспертиза: современное состояние и перспективы развития. - Красноярск, 1990. - 187 б.
9. Андрианова В.А., Капитонов В.Е. Средства и методы выявления, фиксации и изъятия следов рук. - М., 1985. -120б.

10. Зуев Е.И. Экспертное исследование железнодорожных пломб.- М.,1980.-89б.
11. Железняк А.С. Исследование следов одежды. - М., 1971. -29 б.
12. Колдин. В.Я. Задачи, объекты и этапы судебной идентификации. - Правоведение, 1987. №3. - 133 б.
13. Гродзинский М.М. и др. Теория доказательств в уголовном процессе. - М., 1987. - 134 б.
14. Шевченко Б.И. Теоретические основы трасологической идентификации в криминалистике. - М., 1985. - 96 б.
15. Терзиев Н.В. Криминалистическая отождествление личности по признакам внешности. - М., 1986. - 98 б.
16. Самойлов Л.Н. Корреляция как форма диалектической связи. - М., 1985. -123б.
17. Крилов И.Ф. Следы на месте преступления. - М., 1987. - 146 б.
18. Белкин Р.С., Винберг А.И. Криминалистика и доказывание. - М., 1989. - 542 б.
19. Комаринец Б.М. Вопросы о производстве экспертизы на месте происшествия. - М., 1967. - 268 б.
20. Данисявичус П. Криминалистическое следоведение. Вильнюс. 1985. - 324 б.
21. Сехна Я. Следы - в криминалистике. - Варшава., 1986. - 173б.
22. Данисявичус П. След и определение его. - Вильнюс., 1984. - 98 б.
23. Волков З.В., Широканов Д.И. Роль категорий диалектики в изучении биологических явлений. - Минск., 1987. - 425 б.
24. Строгович М.С. Материальная истина и судебные доказательства. -М., 1985. - 267 б.
25. Попов В.И. Розыскная деятельность при расследовании преступлений. Докт. дисс. - М., 1985. 180 б.
26. Ильченко Ю.И. Тактические приёмы исследования материальной обстановки места происшествия. Канд. дисс. Алма-ата. 1984. - 130 б.
27. Корноухов В.КЕ. Дактилоскопическая экспертиза. - Красноярск., 1990. - 412 б.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1 Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. / Т. 1. - Т., 1996. - 364 б.
- 2 Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин./ Т.2. - Т., 1996. - 380 б.
- 3 Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. / Т. 3. - Т., 1996. - 366 б.

- 4 Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. / Т. 4. - Т., 1996. - 349 б.
- 5 Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. / Т. 5 - Т., 1997. - 384б.
- 6 Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. / Т.6. - Т.,1998.- 429б.
- 7 Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. / Т. 7. - Т., 1999.
- 8 Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. / Т. 8. - Т., 2000.
- 9 Ўзбекистон Республикаси ИИВ нинг 2001 йил 21 августдаги № 230-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари Эксперт-криминалистик хизматлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида” ги буйруғи.

